

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ВА ИТАЛИЯ ЎРТАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА ИНТИЛИШ БОРЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни амалий ташриф билан Қозоғистонга келди.



Остона халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Бош вазири Олжас Бектенов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари шу куни Остона шаҳрида “Марказий Осиё — Италия” саммитида иштирок этди.

Қозоғистон Республикаси Президентини Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида

Ўтказилган тадбирда Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашдилар.

Учрашувда Марказий Осиё мамлакатлари ва Италия ўртасидаги кўп томонлама

ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, инвестиция ва технологиялар, “яшил” иқтисодиёт соҳаларида шерикликни ривожлантириш, таълим ва маданий дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ўз нутқининг аввалида ушбу тадбир жорий йил апрель ойида Самарқандда ўтган саммитда Марказий

Осиё ва Европа ўртасида эришилган стратегик шериклик тўғрисидаги келишувларнинг узвий давоми эканини таъкидлади.

Ушбу форматда, аввало, мамлакатларимизнинг технологик, саноат ва интеллектуал салоҳиятини инobatта олган ҳолда самарали амалий ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш борлиги қайд этилди.

Бугунги глобал ва минтақавий сиёсатдаги тенденцияларни, хавфсизлик ва тараққиётга нисбатан умумий таҳдидларнинг кучайишини ҳисобга олган ҳолда Италия билан кўп томонлама мулоқотга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, минтақанинг Италия билан кўп асрлик савдо ва маданий алоқалари янги босқичдаги кенг қамровли

шериклик учун мустаҳкам пойдевор вази-фасини ўтамоқда.

Кун тартибидаги масалаларга ўтар экан, Ўзбекистон раҳбари “Марказий Осиё — Италия” форматидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича ўз қарашларини баён этди.

➡ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ИТАЛИЯ” САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Саммитни юксак даражада ташкил этгани ва анъанавий меҳмондўстлик учун Қозоғистон Республикаси Президенти, хурматли Қосим-Жомарт Кемелович Тоқаев шаънига айтилган миннатдорлик сўзларига қўйиламан.

Италия Вазирлар Кенгаши Раиси, хурматли Жоржа Мелони хонимга бугунги учрашувни ташкил этиш ҳақидаги ташаббуси учун яна бир бор ташаккур изҳор этаман.

Биз ушбу анжумани яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказилган саммитда Марказий Осиё минтақасининг Европа билан стратегик шериклиги ҳақида эришилган келишувлар натижаси деб билишимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ўзбекистон томони ушбу форматдаги самарали амалий ҳамкорликни, аввало, мамлакатларимизнинг технологик, саноат ва интеллектуал салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришга қатъий азму қарор қилган.

Хурматли саммит иштирокчилари! Учрашувимиз учун тақвиф этилган кун тартибини тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Глобал ва минтақавий сиёсий жараёнларнинг бугунги реал шароитида, хавфсизлик ва тараққиётга умумий таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда Италия билан кўп томонлама мулоқот майдонини ишга туширишимиз ниҳоятда зарур эди деб ҳисоблайман.

Мамлакатларимизни кўп асрлик савдо ва маданий алоқалар тарихи ўзаро боглаб туришини ҳам алоҳида қайд этишни истар эдим. Илк дипломатик алмашувлар Қушонлар подшоҳлиги ва император Август ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бундан минг йиллар муқаддам солномачилар, шоир ва мутафаккирлар шаҳарларимиз юқори даражадаги цивилизациявий тараққиётга эришганини қайд этишган.

Яна бир далил — XII асрдан бошлаб италиялик олимлар Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фароний, Абу Али ибн Синонинг бебаҳо асарларини ўрганишган ва таржима қилишган. Минтақамиздан етишиб чиққан Абу Наср Форобий, Абу Райхон

Беруний, Абдураҳмон Жомий, Махтумқули Фироний ва бошқа машҳур мутафаккирлар асарларининг ноёб нусхалари Италия кутубхоналарида асраб-авайлаб сақланмоқда.

Муносабатларимизнинг бундай бой тарихи янги босқичда кенг қўламли шериклик учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хурматли ҳамкасблар! “Марказий Осиё — Италия” форматида ўзаро ҳамкорликнинг устувор жиҳатлари ҳақидаги қарашларимиз борасида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Сиёсий соҳада ташқи сиёсат идоралари даражада доимий мулоқотларни давом эттириш тарафдоримиз. Халқаро кун тартибида ўзаро мувофиқлаштириш ва келишилган ёндашувларни талаб этадиган бир қатор долзарб масалалар мавжуд.

Италия Бош вазири, хурматли Мелони хонимнинг Украина атрофидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш учун тўғридан-тўғри музокараларни тезроқ бошлаш бўйича фаол дипломатик сазй-ҳаракатларини олқийлаймиз.

Сизнинг Яқин Шарқ муаммоси ва Афғонистон билан ҳамкорлик истиқболларига оид қарашларингиз учун миннатдорлик билдираман.

Кеча Самарқандда биз бу нозик масалаларни батафсил муҳокама қилдик ва ёндашувларимиз ўхшаш эканини қайд этдик.

Терроризм, экстремизм, радикализм, наркотрафик ва ноқонуний миграцияга қарши курашишда кўп томонлама формаларда ишчи механизмларини ва махсус хизматларимиз ўртасида ахборот алмашишни йўлга қўйишни тақвиф этаман.

Иқтисодий соҳада сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ва инвестициялар ҳажми салкам уч баробар ўсганини таъкидлайман.

Италиянинг етакчи компаниялари билан биргаликда технологик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мамлакатни инновацион ривожлантиришда Италия ишбилармонлар ҳамжамиятининг анъанавий кучли позициясини

инобатта олиб, савдо-саноат палаталаримиз шафелигида бизнес-мулоқот учун доимий майдон — “Марказий Осиё — Италия” ишбилармонлар клубини тузишни тақвиф этаман. Тадбиркорларнинг кенг иштирокидаги бундай учрашувлар ҳар йили мамлакатларимиз пойтахтларида ўтказилиши ҳамда савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик учун янги имкониятлар очилиши мумкин.

Биз, шунингдек, кўп томонлама Саноат ва технологик кооперация дастури ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши муҳим деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда гап технологиялар трансфери, илғор билимлар ва энг яхши амалиётларни жорий этиш, юқори технологик саноат корхоналарини яратиш учун қулай шароитларни шакллантириш ҳақида бормоқда.

Мавжуд муваффақиятли тажрибани инобатга олиб, минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, электротехника, кимё, тўқимачилик, чарм-поябзал, озиқ-овқат ва бошқа қайта ишлаш соҳалари учун замонавий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш, эҳтиёт қисмлар ва саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш, Италиянинг етакчи брендлари билан ҳамкорликда дизайн марказларини яратиш кооперациянинг муҳим йўналишларига айланиши мумкин.

Минтақавий аҳамиятга молик бўлган лойиҳаларни амалга ошириш учун Тошкент ҳудудида Европа оператори бошқаруви остида махсус саноат паркинни яратиш ишларига киришдик.

Кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун Италиянинг “SACE” ва “SIMEST” давлат агентликлари, шунингдек, қўшма инвестиция жамғармаларини жалб қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Биз Италия ҳукумати билан “яшил” трансформация соҳасидаги самарали ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Зарарли газлар чиқаришни қисқартириш бўйича миллий дастурлар ижросига қўмаклашишга қаратилган кўп томонлама плат-формаларни ишга тушириш орқали кенг қўламли шерикликни ривожлантиришга умид қиламиз.

Италиянинг етакчи ишлаб чиқариш ва муҳандислик компанияларини жалб этган ҳолда, қайта тикланадиган энергетика, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларига “яшил” энергия етказиб бериш, корхоналар аудити ва энергия самарадорлигини ошириш, сув инфратузилмалари объектларини модернизация қилиш, водород технологияларини ривожлантириш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишга тайёрымиз.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳақида сўз юритганда, ўзининг таълим дастурларини сезиларли равишда кенгайтириб бораётган Турин политехника ва Пиза университетларининг Тошкентдаги филиаллари самарали фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Италиянинг бошқа етакчи олий таълим муассасаларининг минтақамизга нисбатан ортиб бораётган қизиқишини олқийлаймиз.

Муҳандислик, дизайн, сувни тежаш ва биологик технологиялар каби йўналишларда илмий ишланмалар яратиш ва молиялаштириш, академик алмашувлар ва кадрлар тайёрлаш дастурлари учун “Марказий Осиё — Италия” илмий-таълим консорциумини ташкил этиш ташаббусини илгари сурашим.

Етакчи операторлар ўртасида шериклик алоқаларини йўлга қўйиш ва қўшма туристик маҳсулотларни яратиш учун сайёҳлик альянсини ишга туширишдан манфаатдоримиз.

Яқинда Рим ва Флоренция шаҳарларида ўтказилган кўргазма ва маданий тадбирлар италиялик дўстларимизда жуда катта қизиқиш уйғотганини таъкидлаш ўринлидир.

Шу муносабат билан келгуси йили Хивада минтақа мамлакатлари ва Италия ёшларининг Креатив иқтисодиёт ва маданий алмашувлар форумини ўтказишни тақвиф этаман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Нутқимнинг якунида Ўзбекистон “Марказий Осиё — Италия” форматида ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга содиқ эканини яна бир бор тасдиқлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, саховат ва бағрикенглик каби эзгу фазилатлар тимсоли бўлган, асрлар давомида маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутиб келаётган муборак Қурбон ҳайитининг аҳамияти Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлат барпо этиш жараёнлари ҳал қилувчи босқичга кираётган бугунги шароитда тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб ҳамда ушбу кутлуг айёмни ҳар томонлама муносиб кутиб олиш ва ўтказиш, шунингдек, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. 2025 йилда муборак Қурбон ҳайитининг биринчи куни **6 июнь — жума** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда **6 июнь** Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Қурбон ҳайити байрамини муносиб ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 2025 йил **7 июнь (шанба)** куни олти кунлик иш ҳафтаси тартиби бўйича ишлайдиган ходимлар учун қўшимча дам олиш куни этиб белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Қурбон ҳайитини халқимизнинг **миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда** ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида **мўътабар зияратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зияратларни ташкил этиш** мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боглиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 30 май

Ш. МИРЗИЁЕВ





МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ВА ИТАЛИЯ ЎРТАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА ИНТИЛИШ БОРЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Аввало, қатор долзарб халқаро масалалар юзасидан ёндашувларни мувофиқлаштириш учун таққи ишлар вазирилари даражасида мунтазам мулоқотларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, терроризм, экстремизм, радикализм, гиёҳванд моддалар савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашда кўп томонлама шериклик ва махсус хизматларнинг ахборот алмашиш механизmlарини йўлга қўйиш тақлиф этилди.

Иқтисодий соҳада давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми уч баробар ошганини мамнуният билан қайд этди. Италиянинг етакчи компаниялари билан технологик ҳамкорлик лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Италия ишбилармон доираларининг инновацион ривожланиш борасида анъанавий кучли мавқеини ҳисобга олиб, мамлакатларимиз савдо-саноат палаталари шафелигида бизнес мулоқоти учун доимий майдон — “Марказий Осие — Италия” ишбилармонлар клубини ташкил этиш тақлиф қилинди. Тадбиркорлар иштирокидаги бундай учрашувлар ҳар йили минтақа мамлакатлари ва Италия пойтахтларида ўтказилади.

Ўзбекистон Президенти технологиялар трансфери, илгор билим ва тажрибаларини жорий этиш, юқори технологияли саноат ишлаб чиқаришларини ташкил этиш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутувчи кўп томонлама Саноат ва технология ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Мавжуд муваффақиятли тажрибани ҳисобга олиб, минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш; электротехника, кимё, тўқимачилик, чарм, озиқ-овқат ва бошқа қайта ишлаш тармоқлари учун замонавий ускуналар ишлаб чиқариш; бутловчи қисмлар ва саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш; Италиянинг етакчи брендлари иштирокида дизайн марказларини ташкил этиш ҳамкорлигининг устувор йўналишлари бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида минтақавий аҳамиятта эга лойиҳаларни амалга ошириш учун Европа оператори бошқарувида махсус индустриал парк ташкил этилаётганини маълум қилди.

Шу билан бирга, Италиянинг “SACE” ва “SIMEST” давлат агентликлари ҳамда қўшма инвестиция фондларини ҳамкорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

“Яшил” трансформация соҳасида Италия билан самарали ҳамкорликни юқори баҳолаб, Ўзбекистон етакчиси углерод қиқндиларини камайтириш бўйича миллий дастурларни амалга оширишга қўмақлашадиган кўп томонлама платформани йўлга қўйиш орқали кенг қамровли шериклиқни ривожлантиришга қақирди.

Қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги лойиҳаларни, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларида “яшил” энергия етказиб бериш, Италиянинг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва муҳандислик компанияларини жалб этган ҳолда корхоналарни аудитдан ўтказиш ва энергия самарадорлигини ошириш, сув инфратузилмаси объектиларини модернизация қилиш ва водород

технологияларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлик билдирилди.

Тошкентдаги Турин политехника ва Пиза университетлари филиаллари самарали фаолият юритаётганини таъкидлар экан, давлатимиз раҳбари Италиянинг бошқа етакчи олий ўқув юрларининг минтақага қизиқиши ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон Президенти муҳандислик, дизайн, сув тежамкорлиги ва биотехнологиялар каби йўналишларда илмий ишланмалар, академик алмашинув ва кадрлар тайёрлаш дастурларини амалга ошириш ва молиялаштириш учун “Марказий Осие — Италия” илмий-таълим консорциумини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Етакчи туроператорлар ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш ва қўшма сайёҳлик маҳсулотларини яратиш мақсадида туризм альянсини ташкил этишдан манфаатдорлик билдирилди.

Италия жамоатчилиги Рим ва Флоренцияда ўтказилган кўргазма ва маданий тадбирларга катта қизиқиш билдиргани мамнуният билан қайд этилди.

Шу муносабат билан келгуси йили Хива шаҳрида минтақа мамлакатлари ва Италия ёшларининг креатив иқтисодиёт ва маданий алмашинув форумини ўтказиш тақлиф қилинди.

Саммитда Марказий Осие давлатлари раҳбарлари ва Италия Бош вазири ҳам нутқ сўзлади. Тадбир якунида Қўшма баёнот қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозғоғистонга амалий таширифи якунланди.

ЎЗА

ҲАР ТОМЧИСИ ОЛТИНГА ТЕНГ НЕЪМАТ

Хонадонимизда оқиб турган тоза сувнинг қадрини билиш ва асраш



Муносабат

бурчимиздир



Инсон соғлом ва узок умр кечиришида тоза ичимлик сувнинг аҳамияти беқийс. Аммо бугунги даврга келиб дунё аҳолисининг 26 фоизи тоза ичимлик сув, 46 фоизи эса оддий санитария шароитларидан маҳрум ҳолда ҳаёт кечирмоқда. Юқумли касалликларнинг 80 фоиздан ортиги айнан ичимлик сув сифати пастлиги ҳамда сув таъминотида санитар-гигиеник қоидалар бузилиши билан боғлиқ экани ҳолат нечоғлиқ жиддийлигини англатади.

Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мамлакатимиз учун ҳам ўта долзарб масала. Шу боис, бу соҳани ривожлантириш ва замонавий инфратузилма яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Охириги 8 йилда ичимлик ва оқова сув хизматлари соҳасига 27,5 триллион сўм йўналтирилди. Натижада ҳозирга келиб аҳоли мавзелирининг 81 фоизи ичимлик сув, 20 фоизи оқова тизими билан таъминланди.

Сўнгги йилларда ичимлик сув ва оқова хизматлари сифати ва қамровини ошириш мақсадида йирик инфратузилмалар лойиҳалар амалга оширилди. Мисол учун, Сурхондарё вилоятида Тўпаланг сув омбори асосида амалга оширилган лойиҳа доирасида 147 километр тармоқ тортилиб, Саросиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларида 141 миң аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва сифати тубдан яхшиланди.

Жиззах вилоятида Зарафшон дарёси ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳрининг 286 миң аҳолиси тоза ичимлик сув билан узлуксиз таъминланмоқда. Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида “Оқсув — Деҳқонобод” лойиҳаси доирасида 76 миң аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди. Аҳамиятлиси, туманда аҳолининг ичимлик сув билан таъминланиши даражаси 1,8 фоиздан 51,7 фоизга кўтарилди.

Тошкент вилоятида Қодирия сув иншооти рени реконструкция қилиш орқали 8 миң аҳоли илк мартаба ичимлик сувдан баҳраманд бўлган бўлса, яна 265 миң аҳолининг сув таъминоти сезиларли даражада яхшиланди.

Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларидаги лойиҳалар орқали 275 миң аҳоли илк бор тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Айни пайтда аҳолининг турмуш сифати ва саломатлиги учун гоёат муҳим бу йўналиш изчил кенгайтириб боришмоқда. Ижтимоий ва ҳудудий дастурлар даражасида қўллаб-қўллаб барпо этилмоқда. Шу билан бирга, ичимлик сув таъминотида замонавий бошқарув ва назорат тизимларини жорий этиш орқали хизматлар сифати оширилмоқда. Ягона “UzWater” биллинг тизими ишга туширилиб, илгари қўлланилган 5 хил тўлов тизимининг мураккаблиги бартараф этилди. Истеъмолчилар учун тақомиллаштирилган шахсий кабинет жорий этилиб, у орқали истеъмолчилар тўловлар ҳисоботини ойлари, йиллар кесимида кўриб бориш, шу ерининг ўзида тўловни амалга ошириш ва ҳисоблабларига маълумотини қиритиш имкони яратилди.

Геоахборот тизими орқали иншоотлар ва тармоқлар харитаси яратилмоқда. Бугунгача Тошкент вилоятининг Чирчиқ, Нурафшон ва Оҳангарон шаҳарларида тўлиқ, Сирдарё вилоятининг Гулистон ва Янгйер шаҳарларида қисман геоахборот тизимлари базаси яратилди. Ҳозир бу тизим Наманган ва Хоразм вилоятларида фаол жорий қилинмоқда.

ССАДА тизими орқали сув иншоотлари устидан масофавий мониторинг ва автоматлаштирилган бошқарув имкониятлари яратилди. Тизим Тошкент, Бухоро ва Жиззах вилоятларида фаол жорий қилинмоқда.

“Water Lab” ахборот тизими таътиқ этилмоқда. Бунда республика бўйлаб ичимлик сув сифатини назорат қилиш имконияти сезиларли даражада кенгайтирилди. Бунинг учун мавжуд лабораториялар тўлиқ рақамлаштирилиб, ҳисоботлари электрон тарзда юритилади. Бугунги кунга қадар 38 та йирик сув иншооти тўлиқ рақамлаштирилиб, реал вақт режимида назорат қилинмоқда.

Юртимиздаги кенг қўламли ўзгаришлар асносида давлат

ҳокимиятига тегишли қатор вазифалар ижросини таъминлаш энди маҳаллалар зиммасига юклатилмоқда. Бу ислохотлар марказидан, аввало, “маҳалла еттилиги” тизими жой олган бўлиб, унга маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори қиради. Бу “еттилик” жамоавий масъулият асосида маҳалладаги муаммоларни аниқлаб, ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга, ҳар бир маҳаллага банк ходими бириктирилиши аҳолига молиявий хизмат кўрсатишда, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда муҳим восита бўлмоқда.

ЯНГИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ЭЗГУ ИШЛАРГА ЧОҒЛанаДИ

Ҳар бир йўналиш бўйича вазифаларни тўғри тақсимлаш, “маҳалла еттилиги” ходимлари иш фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли билан яқин мулоқот ўрнатиш, ҳудуддаги муаммоларни ҳал этишда маҳалла раисидан катта тажриба ва маҳорат, одамлар кайфияти ҳамда яшаш тарзини яхши билиш талаб қилинади. Бундай тажриба қисқа муддатда орттирилмайдми. Шунинг учун маҳалла раисларининг ваколат муддати уч йилдан беш йилга узайтирилиши уларга ўз тажриба ва маҳоратини тўлиқ намоен этиши учун имкон беради.

— Маҳалла институтини нуфузли ўзини ўзи бошқарув органига айлангани маҳалла раислари сайлови давомида янада яққолроқ кўринди, — дейди Ўзбекистон маҳалласи раисининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муса Анорбоев. — Вилоятда фуқаролар йиғинлари раислари сайлови якунланди. Жорий йил 1 майдан бошланиб 21 майгача давом этган сайлов фуқаролар йиғинларининг барчасида муқобиллик асосида ўтди. 230 та маҳалладан жами 612 номзод кўрсатилди. Уларда аҳоли томонидан вақил қилинган 80 миң 104 сайловчининг 65 миң 693 нафари ёки 82 фоизи қатнашди. Жараёнда маҳаллага раислик ҳеч кимга сийлов ё тортиқ эмас, ҳаққини демократик сайлов йўли билан билдириладиган юксак ишонч эканини номзодлар ҳам, сайловчилар ҳам тўлиқ англаган ҳолда иштирок этди.

Сайланган раисларнинг 45 фоизи илк бор сайланганлар, 8 фоизи аёллар ва 4 фоизи депутатлардир. Улар орасида олий маълумотлилар 92 фоизни, ёш жиҳатидан эса 51-60 ёшлилар 41 фоизни ташкил этди. Бу ҳалқимизнинг маҳалласини ишончли қўлларга топширишга бўлган интилиши, ислохотларга ишонччини яққол кўрсатади. Сайланган раисларнинг катта қисми таълим, иқтисодиёт, муҳандислик, ҳуқуқшунослик каби соҳалар вакиллари.

Шароф Рашидов тумани Кўрпасой маҳалласида сайловчиларнинг 91 фоиз э амалдаги раис Соҳибжон Гойибназаровга ишонч билдирди. Бу ишончга у аввалги муддатда яхши фаолият кўрсатганидан ташқари сайловбод дастурининг ишончли ва асосли экани тўғрйли эришди. Унинг 2025 йилда маҳаллани иссиқликдан, жиноятчиликдан, оилавий ажримлардан холи ҳудудга айлантиришга қаратилган дастури маҳалладошларига маъқул келди. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

— Ҳудуднинг ободлигини, аҳолининг турмуш фаровонлигини, элнинг оёсий-талигини таъминлашда фуқаролар йиғини раиси зиммасига юклаган масъулият жуда катта, — дейди Кўрпасой маҳалласи фаоли Раҳимжон Йўлчураев. — Шунинг учун муқобил номзодларнинг дастури билан чуқур танишиб чиқиб, аввалдан ишлаб келаётган раисимизни сайладик. Олий маълумотли, аҳоли билан ишлашда катта тажрибага эга раиснинг маҳаллани янада обод қилишга, ижтимоий, иқтисодий масалаларни ҳал этишга, маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилашга билим, тажрибаси, куч-гайрати етишига ишонамиз.

Қўйилган барча талабларни фаолиятида, шахсий ҳаётида мужассам этиб, муносиблар орасидан энг муносиб топишган номзодлар раисликка сайлангани биз ватан ичра мўъжаз ватан атайидиган маҳалланинг янада обод, турмушимиз фаровон, ҳаётимиз тинч ва оёсийишта бўлиши йўлидаги навбатдаги эзгу ишлардан бири бўлди. Янги сайланган оқсоқоллар маҳалладошларининг юксак ишончини оқлаш учун шу эзгу мақсадни қўллаб ишга киришди.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТУРИЗМ ҚИШЛОҚЛАРИ САФИ ЯНА БИТТАГА КўПАЙДИ

Андижоннинг Хўжаободида асли Тошота, халқ тилида Имомота номи билан аталгучи сўлим қишлоқ бор. Қирғизистонга чегарадош ҳудудда, тоғлар орасида жойлашган жозибадор масканнинг умумий майдони 3961 гектар, аҳолиси 3000 дан зиёд. Тоза ҳавоси, гўзал манзараси билан чет элликлар у ёқда турсин, маҳаллий аҳолини ҳам мафтун этадиган бу жойга яқинда туризм қишлоғи мақоми берилди.

Давлатимиз раҳбари Андижонга навбатдаги таширифи доирасида ўтказилган йиғилишда вилоятнинг туризм салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлаганди. Хонободдаги Кампировот, Булоқбошидаги Ширмонбулоқ, Хўжаободдаги Тошота маҳаллаларида туризм марказлари ташкил қилинса, қўшимча 1 миллион сайёҳни жалб қилиш мумкинлиги айтилганди. Айниқса, Имомота қишлоғидида муқаддас зиёратгоҳга қизқувчилар жуда кўп. 2022 йил ёзда қишлоққа бир кунда 2-3 миң меҳмон келган бўлса, бугун кунига 5-6 миңгача етди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Имомота 2022 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурига киритилиб, тўлиқ реконструкциядан чиқди. Инфратузилма яхшиланиши эвазига сайёҳлар сони кескин ортди. Тадбиркорларга кредитлар ажратилиб, одамлар бандлиги таъминланди. Шу пайтгача чорвачилик ва бошқа оғир меҳнат билан шугулланган қўллаб одамлар яққа тартибдаги тадбиркорларга айланди. Ҳар ким қўлидан келганича меҳмонларга ниманидир тортиқ қилишга уриняпти. Хуллас, сайёҳлар қанча кўлайса, маҳаллий аҳолига шунча яхши.

“Тошота” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Авазбек Исмоловнинг айтишича, қишлоққа қизқувчилар сони ортишида нарх-навоининг яқин-атрофдаги дам олиш масканларидагидан тенг баробар арзонлиги ҳам сабаб бўляпти. Масалан, Боғишамол, Шоҳимардон, Ширмонбулоқ, Хонобод, Нанай, Чодақда бу ердаги нархларни топиб бўлмайди. Болажонларнинг кўнглини оламан деганларга 5-10 миңг сўмлик аттракционлар, 3-5 миңг сўмлик музқаймоқлар борлиги чиндан ҳам ажабланарли.

Меҳмонларнинг 40 фоизи Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Боткен, Тожикистоннинг Хўжанд, Конибодом туманларидан келади. Ўша ҳудудларда яшайдиган этник ўзбеклар ҳам доимий зиёратта, дам олишга келиб туради. Маҳаллий меҳмонларни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Айниқса, ёзда шанба, яшанба кунлари нўрсотда гавжумлик кузатилади. Соф, салқин ҳаво, шифобахш булоқ суви уларни ўзига тортаверади. 7 та булоқ, 7 та унгур (ғор) ҳам кўпчиликка қизиқ туюлади. Унгурларнинг энг каттаси Бешунгур бўлиб, Чилдустун тоғи чўққисидида жойлашган. Энг кичиги эса зиёратгоҳнинг ичиди. Кенг жилга деб аталадиган унгурга 600-700 та қўй сиғади. Жала қўйган пайти чўпонлар ва қўйлар шу горга кириб паналайди. Суви шўр бўлган юқори Имомота кўлида юртимизнинг

ҳеч қайси ҳудудиди учрамайдиган қисқичбақа тури борлигини ҳамма ҳам билвермасе керак.

Маҳалладан ўтган узун ариқ бўйи эса қатор дам олиш масканлари, чойхона, дўконлар ва хонадонлар билан файзли. 2022 йилда атиги биттагина меҳмон уйи бўлган қишлоқда бугун 100 га яқин меҳмон уйи, хостел бор. Улар мингдан зиёд сайёҳ ва зиёратчига хизмат кўрсатади. Шароитга қараб кунига 100 доллардан 300 долларгача ижарага бериляпти. Хонадонларда стол тенниси, бильярд ўйинлари, ҳовуз, умуман, мароқли дам олиш учун барча шароитлар бор. Ҳудуддаги икки тоғ чўққиси ўртасида маҳаллий тадбиркор Жамолддин Турсунов томонидан узунлиги 300, баландлиги 40 метрга яқин осма дор йўли қурилди. Йўлнинг 18 метр қисмига Хитойдан келтирилган ойна қўйилган. Эндиликда осма кўприк ёнига битта учини йўлга ҳам қўшилди. Янги аттракционлар ўрнатилади. Ўнлаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохбаси ишга туширилди. 2024 йилда ҳудудга 16 миңдан зиёд хорижлик, 81 миң маҳаллий сайёҳ таширифи кузатилагани ҳолда бу йил ушбу рақамларни 2,5 баробар ошириш кўзда тутилган. Айни пайтда Президент қарори билан 31 гектар ерининг тоифаси ўзгаририлиб, тасдиқланган режа асосида туризм объектиларини ишга тушириш ҳаракатлари давом этапти. 2 гектар майдонда автовокзал ва



автомобиллар турагроҳи қурилиши режалаштириляптир. Зеро, меҳмонлар машиналарини қулай ерга жойлаштириш учун ҳам анча вақт йўқотади. Шунингдек, Андижон — Ўш йўлидан Имомота қишлоғигача бўлган 14 километр йўл дастурга киритилди. Андижон шаҳридан, Хўжаобод марказидан Имомотага қатнайидиган транспортлар бўлса, одамларга янада қўлайлиқ туғилади. Қирғизистонлик сайёҳларнинг “Дўстлик” чегара постидан Имомотага олиб борадиган транспорт қўйилишини сўраётгани ҳам бизнинг фойдамизга. Шу маънода, бу каби тақлифлар умумлаштирилиб, албатта, ижобий ечимини топади. Зеро, минглаб сайёҳ ва зиёратчилар келиб дам оладиган туризм қишлоғи бугуннинг талабларига жавоб берадиган манзил бўлиши керак.

Дарвоқе, янги мақомга эга бўлган кун қишлоқда қатор тадбирлар ташкил этилди. Меҳмонлар, зиёратчилар, фахрийлар маҳаллага кириш ҳудудидаги дарвоза олдида




Муножат МўМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

1 июнь

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

Бунёдкорлари ҳуқуқи ҳимояси



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Соғлом ва баркамол фарзанд нафақат ота-она ва оила, балки бутун жамиятнинг қувончи ва таянчидир. Шу боис, келажақ тараққиётини кўзлаган ҳар бир миллат ва давлат униб-ўсиб келаётган навқирон авлод камолотига катта эътибор қаратади. Оилада соғлом фарзанд дунёга келиши ва камолга етиши учун барча зарур шароит яратилади.

Шунга қарамай, бугунги юксак тараққиёт асрида ҳам болалар ҳаёти, саломатлиги ва ҳавфсизлигини таъминлашда ечимини қутаётган муаммолар оз эмас. Маълумотларга кўра, дунё бўйлаб 5 ёшгача бўлган деярли 400 миллион бола оилада доимий психологик агрессия ёки жисмоний жазо чоралари остида қолмоқда. Шунингдек, 160 миллион бола мажбурий меҳнатга жалб қилинаётир.

Одам савдосидан жабр кўрганларнинг 35 фоизи айнан болалар экани ачинарли ҳол. Ушбу глобал муаммо жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмай қўймайди, албатта. 1 июннинг Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонланиши замирида ҳам келажақ тараққиётга тўғонқ бўлаётган ана шундай муаммоларга инсониятнинг эътиборини яна бир қарра қаратиш, болалар ҳуқуқлари ҳимояси йўлида ўзаро сазй-ҳаракатларни бirlаштириш, илгор тажрибаларни оммалаштириш мақсади кўзланган.

Аҳолисининг учдан бир қисмини болалар ташкил этадиган Ўзбекистон учун ҳам ушбу масалалар ҳақида долзарб бўлиб келган. Сўнгги йилларда юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Болалар ҳуқуқлари кафолати янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Ёш авлодни ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида ташкилий-ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди. 50 дан ортиқ қонун, 400 дан зиёд қонуности ҳужжат қабул қилингани, парламентнинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили — Болалар омбудсмани институти тасис этилгани мамлакатимизда ушбу йўналишга қанчалик жиддий эътибор қаратилётганини яққол ифода этади.

Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланиш масаласини ҳал этишда тарихий ўзгаришлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва қатъияти билан қисқа муддатда пахта терими соҳасида болалар меҳнатига буткул барҳам берилди.

Бу борадаги сазй-ҳаракатлар халқаро ҳам-жамият томонидан эътифори этилиши билан бир қаторда бошқа давлатлар учун намуна қилиб кўрсатилмоқда. Жумладан, ўтган йили юртимизга ташриф буюрган БМТ Бош котиби Антониу Гутерреш Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги хайрли ишларни юқори баҳолаб, бу ўзгаришлар нафақат минтақа, балки дунё мамлакатлари учун намуна бўла оlishини таъкидлаган эди. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Болалар фаровонлиги бўйича глобал индексдаги мавқеи ошгани соҳадаги эзгу ишларнинг яна бир тасдиғидир.

“Набирам уйғониши билан
“Боғчага кетаман”, дейди”

Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда қабул қилиди. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етуқ ва баркамол шахс бўлиб воқия етишида боғча тарбияси қанчалик аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатади.

Бирок бундан 7-8 йил илгари юртимизда бу борадаги ахвол буткул қониксаси эди, десак хато бўлмайди. Қишлоқ у ёкда турсин, катта шаҳарларда ҳам болаларни боғчага беришда узундан узун навбатлар бўлар, таниш-билиш бўлмаса иш битиши машаққатли эди. Табиийки, бу ҳолат аҳолининг жиддий

ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ

эътирозларига сабаб бўлар, айниқса, ёш болали аёлларнинг ишлаши, соғлиғига эътибор қаратиши, ўқиш ва ижодий-интеллектуал жиҳатдан ривожланишига тўсқинлик қиларди.

Президентимиз фаолиятининг илк йилларидаёқ бу масалалар ечимига жиддий эътибор қаратиб, мактабгача таълим тизimini тубдан такомиллаштириш мақсадини илгари сурди. Тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, соҳада янги тизим яратилга қиришилди. Бугунга келиб эса катта натижаларга эришилганини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Айни пайтда болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларига қамрови 76 фоизга, 6 ёшлиларнинг мактабга тайёрлов гуруҳларига қамров даражаси эса 96 фоизга етказилгани бунинг исботи.

Мактабгача ва мактаб таълими вазири-лиги маълумотиға кўра, мамлакатимизнинг чекка маҳаллаларида “Ақувой” автобуслар мобил гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда турли ёшдаги болалар мактабгача таълим гуруҳларига қамраб олинди. Жаҳон банки билан ҳамкорликда қатор туманларда “Илк ривожланиш марказлари” очилди. Шунингдек, туман ва шаҳарларда таянч мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилиб, электрон доска ва планшетлар билан таъминланди.

Таълим-тарбия жараёнига инновация, илғор педагогик ва рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида барча мактабгача таълим ташкилотлари методистлари лавозими негизда директор ўринбосари лавозими жорий этилгани соҳа ривожига яна бир муҳим қадам бўлди. “Методик маҳорат кунин” тадбирларини ўтказган директор ўринбосарларига лавозим машинасининг 20 фоизи миқдорида қўшимча ҳар ойлик устама тўлаш тизими жорий этилди.

Таънч таълим ташкилотларида мактабгача таълим педагоглари учун директор ўринбосарлари томонидан “Методик маҳорат соати” тадбирлари ўтказилмоқда. Бу чора-тадбирлар мактабгача таълим тизими фаолиятини янада ривожлантириш, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам болаларни боғчаларга жалб этиш имконини бераётир.

Бугунги замонавий имкониятларни кўриб, болалик йилларим ёдимга тушади. Ўшанда икки қишлоқ нарида боғча очилганини, бирга ўйнайдиган базми дугоналарим унга қатнаётганини эшитиб, “Мен ҳам боғчага бораман”, деб роса хархаша қилган эдим. Бироқ далага тонгда кетиб, қоронғи тушганда қайтадиган ота-онамининг уйимиздан анча ўзоқдаги боғчага бизни олиб бориб келиш учун имкони йўқ эди. Йўл олислиги учун дугоналаримнинг қувончи ҳам кўпга бормади, 2-3 ой ўтиб, улар ҳам боғчадан қолиб кетди.

Икки йил аввал қишлоғимизда янги боғча очилганини эшитиб жуда қувондим. Қишлоқнинг қоқ марказидаги муассаса қатнов учун жуда қўлай. Ота-оналар эрталаб ишга кетишда боласини боғчага топшириб, ишдан қайтишда олиб кетиши мумкин.

— Қишлоғимизда боғча очилгани жуда яхши бўлди, — дейди Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги Мустақиллик маҳалласида яшовчи Мастура Ҳазратқулова. — Ҳозир икки набирам боғчага қатнашди. Дастлабки кунларда уларнинг “Боғчага бормайман”, деган хархашасидан руҳим анча чўккан эди. Чунки боғчада таълим-тарбия олаётган болаларнинг ҳар томонлама ривожланишига ҳавасим келарди. Қолаверса, рўзғорда ҳам юмуш кўп, ишдан ортиб болалар таълим-тарбияси билан мунтазам шуғулланиш мушкул. Аммо боғча опалари бор маҳорати ва меҳр-муҳаббати билан набираларимни ўзига ром этиб олди. Ҳозир набираларим дам олиш кунлари ҳам уйғониши билан “Боғчага кетаман”, дейди. Боғчага бorganдан бери уларнинг дунёқарашини ўсиб борапти, тили бийрон, қадами шаддам, руҳи тетик. Айниқса, тенгдошлари билан дўст-дугона тўтиниб, қувнаб ўйнаб юрганини кўрсам, дилим яйрайди. Чекка қишлоқда шахарникидан қолишмайдиган шундай замонавий шароитлар яратилганидан биз, аёллар жуда мамнунмиз.

Энди бу имкониятлар янада кенгайди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан келгусида Косонсой ва Тойлоқ туманлари таърибаси асосида барча туман (шаҳар)ларда босқичма-босқич ҳар йили ўртача 50 тадан “Илк ривожланиш марказлари” фаолияти йўлга қўйилиши белгиланган. Ушбу марказларга мактабгача таълим билан қамраб олинмаган, ҳам таъминланган, алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган оилалар фарзандлари қамраб олинади. Шунингдек, камбағаллик даражаси юқори мингта маҳаллада биттадан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти очилиши режалаштирилган. Вазиrлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида олис ва



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

тоғли ҳудудларда махсус жиҳозланган 30 та автобус негизда мобил гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур мобил гуруҳлар зарур мебель ва спорт жиҳозлари, уйинчоқлар, дидактик материаллар ҳамда болалар адабиётлари билан тўлиқ таъминланади.

Мактабгача таълимнинг давлат ўқув дастурлари халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқилди ҳамда мактабга тайёрлов ва бошланғич таълим ўқув дастурларининг ўзаро узвийлиги таъминланади. Давлат таълим дастури асосида халқаро стандартларга асосланган ўқув-методик мажмуалар яратилди. Бунда кичик ва ўрта гуруҳ болаларида когнитив, психомотор ва ижтимоий кўникмаларни

Таълимнинг барча бўғинида ўқув-тарбия ишларининг сифати ва натижадорлигини ошириш, битирувчиларнинг танлов имкониятини кенгайтириш учун янги тизим ва дастурлар, электрон платформалар ишга туширилмоқда. Бу имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшларнинг турли соҳада эришаётган ютуқлари ҳам чакки эмас.

Оила — камолот кўргони

Оила — ҳаёт бардавомлиги ва авлодлар узвийлигини таъминловчи табарруқ кўргон. Ҳар бир халқ, миллатнинг келажаги айнан



ҲАММОН ҚУЛЛОВ

ривожлантириш, катта ва мактабга тайёрлов гуруҳи болаларида билим олиш, коммуникация ва ижодий компетенцияларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат таълим дастури асосида ишлаб чиқилган электрон ресурслар, аудиовизуал маҳсулотлар ва ўқув-методик контентлар мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида эркин ва беғул фойдаланиш учун жойлаштирилди. Ўшбу ахборот тизимида ота-оналарнинг шахсий кабинет орқали болаларнинг ривожланиш хараитасига доир маълумотлар билан танишиб бориши учун имконият яратилди.

Боланинг боғчадан кейинги камолот босқичида мактаб таълими ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис, тизимда ҳам ислохотлар жадал кечмоқда. Охириги йилларда мактаб таълими учун маблаг бир неча баробар оширилди. Янги мактаблар қурилиб, замонавий воситалар билан жиҳозланаяпти. Таълим дастурлари энг илгор мамлакатлар таърибасига мослаштирилмоқда, дарсликлар янгиланаяпти, мактабларга замонавий жиҳозлар олиб берилаяпти.

Бу йил ана шундай замонавий мактаблардаги янгича шароитларда таълим олган 451 мингдан зиёд битирувчи мустақил ҳаётга қадам қўйди. Ушбу навқирон авлод янги Ўзбекистонни барпо этишда катта бунёдкор куч сифатида иштирок этиши учун барча шароит яратилмоқда.

Жумладан, ёшлар замонавий илм ва касб-хунарлар, она тили билан бирга хорижий тиллар, IT ва инновацион технологиялар, ижод ва тадбиркорлик соҳаларини пухта эгаллаши учун ҳозир 200 дан зиёд ОТМ, 598 та техникум, қўлпаб мономарказ ва технопарклар, кутубхоналар, маданият, санъат ва спорт муассасалари самарали фаолият юритмоқда.



ҲАММОН ҚУЛЛОВ

оила билан чамбарчас боғлиқ. Чунки инсон оилада туғилди ва воқия этади. Янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам оила институтини давлат муҳофазасида экани, унинг ривожланиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит яратилиши, шунингдек, оналик ва болалик ижтимоий ҳимоя қилиниши алоҳида белгиланган бўлиб қўйилган. Шу йўналишда муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда.



ҲАММОН ҚУЛЛОВ

Оилага ғамхўрлик қилиш сиёсати натижасида 2021 йилдан бошлаб уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 2790 онага арзон уй-жой учун 49,7 миллиард сўм бошланғич бадал пули тўлаб берилди. Бу жабҳадаги ишлар изчил давом эттирилиб, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 2044 та кўп қаватли уй қурилди, 100 мингдан ортиқ квартира фойдаланишга топширилди. “Янги Ўзбекистон” массивларида 126 та уй оилаларга берилди.

Сифатли таълим олиш шароитини яхшилаш мақсадида 608 та умумтаълим мактаби ва 182 та мактабгача таълим ташкилотида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, 24 та янги мактаб қурилди.

“Ташаббусли бюджет” тизими орқали 4700 та маҳалладаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 5,5 триллион сўм йўналтирилди.

Бугун мамлакатимиздаги бирламчи тиббий-санитария муассасаларида “Аёллар солаҳатхоналари”, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларда перинаталь скрининг ва онкологик касалликларни барвақт аниқлашга ихтисослашган хоналар фаолият юритмоқда. 209 та туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасида болаларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида болалар бўлимлари ташкил этилди. 46 та туманларда перинаталь марказининг ҳар бирида 6 тадан жами 276 та чақалоқлар реанимация шифо ўрни мавжуд.

Тиббий ёрдамга муҳтож 6415 эҳтиёжманд хотин-қизга жарроҳлик операциясини ўтказиш учун 86,1 миллиард сўм ажратилди.

Албатта, бундай имконият оналик ва болаликнинг тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, одамларнинг соғлиғини асраш, турмуш шароитини яхшилаш имконини бераётир. Зеро, оила мустаҳкам бўлса, жамият барқарор бўлади. Оилада тинчлик-тотувлик муҳити ҳукм сурса, болаларнинг фақат хандон кулгиси эшитилади.

Иллатлар қадриятларимизга
соя солмасин

Болажон халқимиз, болалардан ҳеч нарсани аямаймиз. Ҳар бир бобо ва буви, ота-она набирам, фарзандим мендан ҳам яхши яшасин, асло кам бўлмасин, доимо руҳи баянда, қадди тик бўлсин, дейди. Шу мақсад йўлида меҳнат қилиш, интилишдан асло чарчамайди.

Бирок ўшбу бебаҳо қадриятларимизга соя соладиган иллатлар ҳам йўқ эмас. Болаларнинг катталар, айниқса, ўз яқинларини



ҲАММОН ҚУЛЛОВ

нинг таҳдиди ва ўзравонлигига учраётгани, баъзи оилаларда ўғил-қизларнинг билим олиши, соғлом ва баркамол бўлиб воқия етиши учун тўлақонли шароит яратилмаслиги, эрта никоҳ, қариндошлар никоҳи каби салбий омиллар эртаниб эгалари тақдирига жиддий соя солмоқда. Қолаверса, баъзи оилалардаги низоли муҳит болалар руҳиятида огир из қолдирмоқда. Бундай иллатларга қарши бугун қурашилмаса, эртага кеч бўлиши мумкин.

Яна бир муаммо болаларни замонавий ахборот маконида рўй бераётган салбий таъсир ва турли хуружлардан ҳимоялаш билан боғлиқ. Бу масалаларни оқилона ҳал этиш, болаларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, ҳуқуқини таъминлаш мамлакатимиздаги ислохотларнинг бош мақсадидир.

Бугун бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида қонунчиликни тубдан такомиллаштириш жараёни барқарор давом этмоқда. Жумладан, биргина 2024 йилда бола манфаатларини таъминлашга оид 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та фармони ва 8 та қарори, Вазиrлар Маҳкамасининг 10 та қарори қабул қилинди. Ўз навбатида, мазкур қонунчилик ҳужжатлари асосида болаларни ўзравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилишнинг ягона механизми жорий этилди. Болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ва ҳудудий комиссиялар фаолиятининг вазифалари янгидан белгиланди.

Мазкур ислохотларнинг муҳим мантқиқий давоми сифатида Болалар омбудсмани институтининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Хусусан, 2024 йил 29 февралда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш махсус миллий институти сифатида Болалар омбудсмани давлат органлари, жумладан, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади.

Бола ҳуқуқлари таъминланиши даражасини ўрганишнинг асосий шаклларида бири фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишдир. Болалар омбудсмани маълумотиға кўра, бу йўналишда 2024 йилда Болалар омбудсманига 1064 та мурожаат келиб тушган. 2023 йилга нисбатан мурожаатлар сони 2,4 баробар ошган. Бу эса, ўз навбатида, жамиятимизда бола ҳуқуқлари борасида ҳабардорлик билан бирга бола манфаатлари ҳимоялаш соҳасига фуқароларнинг ишончи ортиб бораётганидан далолат.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижасига кўра, бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилгани юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга 13 та ҳужжат, яъни оғохлантириш, хулоса ва суд ҳужжати устидан протест келтириш тўғрисида илтимосномалар қиритилган. Ўз навбатида, болаларга нисбатан содир этилган ўзравонлик ҳолатлари юзасидан 14 та жиноят иши, 18 та маъмурий иш қўзғатилган.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан 87 та ҳолат юзасидан болаларнинг ижтимоий-психологик вазияти баҳоланиб, уларнинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлаш чоралари қўрилди. Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган 52 бола юртимизга қайтарилди.

Шунингдек, Болалар омбудсмани томонидан боланинг қонуний манфаатлари бузилишига оид ҳолатларни аниқлаш ва ўрганиш мақсадида интернет, жумладан, ижтимоий тармоқларда доимий мониторинг ўтказилмоқда. Мониторинг давомида аниқланган бола ҳуқуқларининг бузилишига оид 83 та ҳолат мутасадди давлат органлари билан ҳамкорликда текширилди. Болаларга нисбатан содир этилган ўзравонлик ҳолатлари юзасидан 15 та жиноят иши ҳамда 9 та маъмурий иш қўзғатилган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг мурожаатлари ва болага қарши жиноятларга оид суд хабарномалари асосида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ва котибияти ходимлари 46 та фуқаролик, жиноят ва маъмурий иш юзасидан судларда кузатувчи сифатида иштирок этди.

Юртимизда болалар ҳуқуқи ва манфаати ҳимояси йўлидаги хайрли ишлар ўз натижасини бераётгани, мазкур жиҳатлар халқаро миқёсда ҳам эътифори этилаётгани қувонарли. Бу жабҳадаги ишлар йилдан йилга такомиллаштириб борилаётгани фарзандларимизнинг бахтли ҳаёти ва фаровон келажагини таъминлашда самара беради, албатта.

Қўқонда замонавий уйлар ва реновация аҳолининг ҳаётдан розилигига хизмат қиляптими?

Қўқон Фарғона водийсининг ғарбий қисми, Сўх дарёси қуйи оқимида жойлашган қадим кентлардан. Кейинги йиллардаги археологик изланишлар шаҳарнинг ёши икки минг йилдан ортиқ деган қарашларни ўртага чиқарди. Этимологик манбаларга кўра, Ҳўқанд гўзал, ёқимли ёки шамол маъносини билдиради. Бундан ташқари, баландликдаги шаҳар, хурлар шахри деган фаразлар ҳам бор.

Хиндистон ва Хитойга бориладиган катта карвон йўлида жойлашган маскан Фарғона водийсидаги йирик маданият ва маърифат ўчоғи, ҳунармандлик маркази сифатида танилган. Бу ерда мистарлик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, қуролсозлик, қулоллик, қоғозгарлик, тўқимачилик, дўппидўзлик, каштачилик, темирчилик, кўприксозлик ривож топган. Қўқон газмоллари Шарқда ва Россияда машҳур бўлган. Айниқса, Қўқон қоғози ҳунармандликнинг алоҳида тармоғи сифатида ном қозongan. Қадим шаҳар ўтмиши билан боғлиқ манбаларни яна қўплаб санаб ўтиш мумкин. Аммо сўнгги йилларда кўҳна кентда иқтисодийни юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳудудларни ободонлаштириш йўлидаги лойиҳа ва ташаббуслар ҳар жиҳатдан кенгайди, кўлами ошди.

Президентимиз 2024 йил 11-12 июль кунлари Фарғона вилоятига амалий ташир-фи давомида Қўқон шаҳрида аҳолининг уй-жойга талабини қондириш, уларга муносиб шароитлар яратиш бериш билан боғлиқ ижтимоий масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратди. Бу бежиз эмас, албатта.

Қўқон шаҳрида охириги 60 йиллар давомида аҳоли учун кўзга кўринган бирор турар жой мавзеси қурилмаган. Бунинг ҳисобига бир ҳовлида 3-4 та оила бирга яшашга мажбур бўлган.

Президентимиз мавжуд муаммолар ечимига эътибор қаратиб, Қўқонда ҳам “Янги Ўзбекистон” массиви қурилишини бошлаш юзасидан билдирган ташаббуси оилаларга қувонч, шодлик туйғуларини олиб кирди. Қўқонликлар бу кунларни орзиқиб кутганди. Сабаби айни пайтда янги уй-жойга муҳтож 9500 та оила бор. 1992 йилдан 2016 йилга қадар шаҳар ҳудудида бармоқ билан санарли кўп қаватли уй-жойлар қурилган, ҳолос. Энди бу борадаги кўрсаткич салмоғи ўн чандон ошди. Ўтган йилнинг ўзида шаҳар ҳудудида 1600 та хонадон фойдаланишга топширилди. Жорий йилда бу салмоқ яна икки ҳисса ортади.

“Азизтепа” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Мовароуннахр, Ҳўжанд ва Истиклол кўчалари чорраҳасидаги 33,57 гектар ерда кенг

кўламли бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга ошириляпти.

— Президентимиз вилотимизга таширфи доирасида Қўқон шаҳри марказида “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши лойиҳаси юзасидан керакли тавсиялар берганди, — дейди шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов. — Бу йўналишда дастлабки ишларга тамал тоши қўйилиб, Азизтепа маҳалласи ҳудудида замонавий шаҳарча қурилиши бошланди. Бу ерда 6 335 хонадонга эга бўлган 83 та кўп қаватли уй-жой қуриляпти. Жумладан, 10 қаватли 70 та, 16 қаватли 13 та уй барпо этилади. Шунингдек, бизнес маркази, 1650 ўринли умумтаълим мактаби, меҳмонхона, савдо ва кўн-гилочар марказ, институт биноси ётоқхонаси билан, битта кўп қаватли автотурагоҳ, бошқарув-сервис компанияси учун бино қурилади. Массивнинг ўрта қисмида аҳоли учун сўлим сайилгоҳ ташкил этилади. Ландшафт архитектура асосида яшил ётибонлар, манзарали дарахтлар аллеялари яратилади, болалар майдончалари бўлади.

Маънан эскирган ёғ-мой заводи, иссиқлик электр станцияси, автомобилларга газ қуйиш шохобчаси, омборхона, эски якка тартибдаги уйлар ўрнида қад ростлаётган кўп қаватли турар жой ва маъиш бинолар қурилиши ўтган-кетганлар ҳайратига сабаб бўлмоқда.

Кун жазирасига қарамай, меҳнат қилаётган курувчилар матонати таҳсинга лойиқ. Биноларнинг пишиқ-пuxта, мустаҳкам ва чиройли қилиб қурилиши — давр талаби. Қурилиш соҳасига оид қарорлар, ангина меъёrlар, шунингдек, истеъмолчилар истаги ҳам шунга тақозо қилмоқда.

Бунёдкорлик ишларида маҳаллий курувчилар билан бирга хориқлик инвесторлар ҳам иштирок этипти. — Бу ерда мукаммал лойиҳаларга асосланган 16 қаватдан иборат 96 хонадонли монолит уй-жой қурилишини бошладик, — дейди “Файз бинокор” МЧЖ иш бошқарувчиси Бекзод Олимов. — Монолит бинолар зилзилабарддош, пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради. Бу борада ўзига хос тажрибага эгамиз. Шу кунга қадар Фарғона шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массивида 9 қа-



ватли мухташам уйлари қуриб битказдик. Маргилон шаҳридаги қурилишларда ҳам иштирок этипмиз. Бу ишларни ўз вақтида сифатли бажариш учун барча имконият ва шароитлар бор.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар бир бинонинг дастлабки таъин устунлари мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор бериляпти. Пойдевор ҳимоя қатлами пишиқ ва пухта қурилса, иншоотлар умрбоқийлиги, зилзилабарддошлиги таъминланган бўлади. Уйлар энергия тежамкор лойиҳалар асосида

қурилмоқда. Биноларнинг фасад қисми базальт билан қопланиши, сэндвич панелдан тайёрланган эшик-ромлар хонадонларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Бино томига қуёш сув иситиш коллекторлари, қуёш электр панеллари ўрнатилади. Натижада фойдаланиладиган иссиқ сувнинг 30-40, электр энергиясининг 25-30 фоизини муқобиллик асосида етказиб бериш имконияти туғилади.

— Янги уй-жойлар қурилишида аҳоли манфаати ва имкониятлари ҳисоб-китоб

қилинган, — дейди “Саодат” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухиддин Алижонов. — Уйларнинг ҳар жиҳатдан арзон ва сифатли бўлиши, бир квадрат метрини 6 миллион сўмдан ошмаган ҳолда тўла-тўқис битказиб бериш инobatта олинган. Қурилиш, ободонлаштириш ишлари жамоатчилик назорати асосида ўрганиб борилади. Шу кунга қадар фарзанд ва набираларини боғча ҳамда мактабга олиб борган ота-оналар шаҳар бўйлаб елиб-югуришига тўғри келган. Энди ҳаммаси бир жойда мужассам. Янги уйларнинг биринчи ва иккинчи қаватларида болалар боғчаси, мактаб, тиббий хизмат, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари қуриляётгани аҳолига ҳар томонлама қулайликлар туғдиради. Маҳалла аҳли, ёшлар, жамоатчилик билан бўлаётган мулоқотларда ана шу қулайлик ва имкониятлар хусусида фикр алмашипмиз. Янги уйлар қурилиши ҳали тугалланмаган бўлса-да, бу ердан уй олиш истагида муурожаат қиляётган кундан кунга кўпайиб бормоқда.

Аҳолининг уй-жойга талабини қондиришга қаратилган реновация дастури ҳам одамлар оғирини енгил, узогини яқин қилиш имконини берди.

Ўтган аср ўрталарида қурилган пасткам биноларда аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун зарур бўлган оддий шароитлар йўқ эди. Тор уй-жойларда икки-уч оила бир амаллаб яшашга мажбур бўлган. Эски, кўримсиз манзаралар, табиики, шаҳар ва маҳаллалар кўркмига мос тушмасди.

Энди бу ердаги манзара, ҳолат ўзгармоқда. Маънан эскирган уйлар аҳоли розилиги билан

реновация дастури асосида бузилиб, ўрнида кўп қаватли уй-жойлар, дам олиш, хизмат кўрсатиш иншоотлари қуриляпти. Шунингдек, кенг ва равон йўллар, табийи газ, тоза ичимлик сув, электр таъминоти билан боғлиқ зарурий инфратузилма тармоқлари барпо этилмоқда.

Пўстиндўз кўчасидаги маънан эскирган икки қаватли уйлар ўрнида 12 қаватли 124 хонадонли 3 та замонавий уй-жой биноси қурилиши сўнгги босқичга кирди.

— Янги уйларни эскиси билан қиёслаб бўлмайди, — дейди Мавжуда Асқарова. — Бу ерга кўчиб келиб, кўним топганимизга саксон йилдан ошди. Ота-онамдан мерос каталакдек жойда уч фарзандим билан яшаб келганмиз. Паст, тор хоналар, умумий фойдаланувдаги сув ва бошқа коммунал хизматлар қўплаб ноқулайликларга сабаб бўлган. Энди бу қийинчиликлар ортда қолди. Бизга 50 квадрат метр ўрнига 62 квадрат метр уй-жой берилляпти. Инсон манфаати, қадр-қиммати йўлидаги ҳаётбахш ислохотлар биз каби кўплаб оддий оилалар ҳаётига қувонч, шодлик олиб келмоқда.

Бугунги кунда реновация дастури асосида Мовароуннахр, Шохрухобод, Алишер Навоий, Фурқат, Туркистон кўчаларидаги пасткам уйлар ўрнида замонавий яшаш масканлари, кўркам ва қулай инфратузилма тармоқлари қуриш ишлари жадаллик билан кетмоқда.

— Бу ердаги икки қаватли уйларда шу кунга қадар бор-йўғи 24 та оила яшаб келган, — дейди “Салом сити” МЧЖ иш бошқарувчиси Шохрух Шодмонов. — Янги лойиҳага кўра, улар ўрнида 124 та хонадонли уй қурыпмиз. Реновация дастури асосида уй-жойлари бузилган мулкдорларга шу ернинг ўзидан компенсация тўловларисиз хонадонлар ажратилган. Асосий мақсад — мулкдорлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш бериш.

Бунёдкорлик, яратувчанлик халқимизга хос фазилатлардан. “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тимиолани яратмоқда. Шарқона лафозат ва нафислик, замонавий меъморлик андозалари билан уйғун тарзда юксалиб бораётган янги бинолар кўҳна масканга улугворлик касб этмоқда. Бу иморатлар халқимиз бунёдкорлигининг ёрқин тимиоли сифатида кўнгилларга гўрур, ифтихор бағишляйди, албатта.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нуктаи назар

Май ойининг бошида Осие тараққиёт банки раҳбари Масато Канда Италиядаги йирик молиявий анжуманлардан бирида Ўзбекистонни хусусий инвестициялар ҳисобига энергетика соҳасини муваффақиятли трансформация қиляётган намунали давлатлардан бири сифатида эътироф этди. 23 майда эса S&P Global Ratings халқаро агентлиги Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингни прогнотини “барқарор” даражадан “ижобий”га яхшилади.

Ўзбекистоннинг юксак халқаро минбарларда бот-бот эътироф этилиши ҳамда турли нуфузли рейтинглардаги мавқеи ошаётгани тараққиётнинг тўғри йўлидан бораётганимизнинг яққол исботидир. Айниқса, давлат иқтисодиётини кўтаришда ҳаётга таътиқ этилаётган янги лойиҳалар келажакка ишонччи янада муштаҳамламоқда.

Масато Канданинг эътирофи номига айтилаётган мақтовгина эмас, йирик ташкилот раҳбарининг бугун Ўзбекистонда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишларни бевосита кузатиб, бошқа давлатлар билан солиштирган ҳолда чиқарган ҳулосасидир. У тахминан 40 йиллик тажрибага эга иқтисодчи эксперт. Япония бош вазири ҳамда давлатнинг Молия вазирлигида юқори лавозимларда ишлаган. Оксфорд университетини иқтисодиёт бўйича тамомлаган. Мазкур маълумотлар ҳам Масато Канда шунчаки гапирмаслигини билдиради.

ЭЪТИРОФЛАР МАҚТОВ ЭМАС, БАЛКИ ФАКТ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛЛАР ҲОСИЛАСИ

Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингни прогнотизда “барқарор” даражадан “ижобий”га кўтарилгани ундан ҳам катта воқеа. Сабаби S&P Global Ratings агентлиги рейтингини баҳолашда мамлакатнинг бугунги иқтисодий ҳолати билан бирга келгуси имкониятларини таҳлил қилган ҳолда ҳулоса беради.

Бугун ҳар қандай халқаро ташкилот рейтингини, айниқса, иқтисодий кўрсаткичларда ўз ўрнини яхшилаш ҳеч бир давлат учун осон бўлмай қолди. Чунки дунё микёсидаги иқтисодий бекарорлик барча мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, рейтинглар талаблари замонга мослашган ҳолда янада кенгайиб бормоқда. Хусусан, S&P Global Ratings агентлиги давлатларнинг суверен кредит лаёқатини агентлигининг 2017 йил 18 декабрдаги “Суверен рейтинг методологияси”га асосланиб баҳолайди. Мезонларга кўра, мамлакатнинг миллий ва хорижий валютанда кредит ажратиши, халқаро пул айланмаси, ЯИМ, ташқи қарз бўйича иқтисодий барқарорлиги, солиқ сиёсати, корпоратив бошқаруви, узоқ

йиллик стратегияси ва дастурлари истиқбол-ли инobatта олинади.

S&P Global Ratings агентлиги ҳисоботи-га кўра, Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб иқтисодиётини либераллаштириш бўйича амалга ошириляётган ислохотлар, мамлакат иқтисодиётининг барқарор кўрсаткич-ларга эга бўлиб келаяётгани ҳамда бошқарув сифати ва макроеқтисодий сиёсатни такомиллаштиришга қаратилган давомли сазй-ҳаракатлар бундай қарорга келишдаги асосий омиллардир. Шунингдек, тарихий янгиланишлар конвертация, пул-кредит сиёсатидаги ислохотлар, дунёдаги иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб тезкор қабул қилинган қарорлар ҳамда кўп йилга мўлжалланган оқилона лойиҳалар бунга асос бўлиб хизмат қилган.

Баҳолашда энг муҳим иқтисодий кўрсаткич давлатнинг ялли ички махсулоти барқарор ўсиб боришидир. Ўзбекистон ялли ички махсулоти 2019 йили 67 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2024 йили 115 миллиард долларга етди. Таҳлилларга кўра, 2028 йилга

бориб, 173 миллиард долларга етиши кутил-ляпти. Шунингдек, ЯИМ ўртача ўсиш кўрсаткичи 2025-2028 йилларда йилга ўртача 5,6 фоз бўлиши тахмин қилинмоқда.

Агентлик ҳисоботида Ўзбекистонда “яшил” энергетика лойиҳалари муваффақиятли амалга ошириляётгани ҳам эътироф этилган. Айни пайтда мамлакатимизда истеъмол қилинадиган энергиянинг 20 фоизи муқобил энергетика улушига тўғри келаятган-ни, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 40 фоизга кўтарилиши қайд этилган. Бу борада Саудия Арабистонининг ACWA Power компанияси билан ҳамкорликда 2030 йилгача 7,5 мил-лиард долларлик лойиҳаларни амалга оши-риш кўзлангани мақсадга ишонч билан эри-шишни қалбатляйди.

Шунингдек, бутун олтин нархининг ре-корд даражада кўтариллиши бу борада катта заҳирага эга Ўзбекистон учун янада ривож-ланиш имконини бермоқда. 2030 йилгача мамлакатимиз халқаро ҳамкорлар билан бирга мис, олтин, қумуш, уран ишлаб чиқа-риш ҳажмини янада кенгайтиришни мўлжал-

S&P Global Ratings

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ляпти. Бу давлатнинг экспорт салоҳиятини кўтариш, иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қиладди. Фискал сиёсатдаги оқилона ислохотлар Ўзбекистонда шаффоф муҳит шаклланиши, яширин иқтисодиётнинг йил сайин камайиб, солиқ тушуми ортиб бориши-ни таъминламоқда. Айниқса, солиқ тизими-га рақамли технологиялар фаол таътиқ этилаёт-гани тизим ишини қаррасига яхшиляяпти.

Ўзбекистон иқтисодиёти юксалиши-да хорижий инвестициянинг ўрни катта. Айни пайтда ЯИМнинг 33 фоизини ташкил этаётган сармоялар иқтисодиётнинг турли соҳалари тараққиётига катта ҳисса қўшмоқ-да. Бунда, албатта, давлатимиз раҳбарининг хорижий инвестицияларни жалб этиш, турли давлатлар билан икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиганда жонбоз-лик кўрсатаётгани муҳим аҳамият касб эт-моқда.

Келтирилган маълумотлар кейинги йиллар-да Ўзбекистонда аниқ мақсадли туб ислохот-лар амалга ошириляётгани, келгуси беш йилда мамлакатнинг иқтисодий қудрати қаррасига ортинши тахмин қилиш мумкинлигини кўрсат-моқда. S&P Global Ratings халқаро агентли-ги мамлакатимизнинг суверен кредит рейтингни прогнотини “барқарор” даражадан “ижобий”га яхшилаши амалий ишларнинг халқаро миқёс-даги ишонччи баҳоқидир. “Ижобий” даража Ўзбекистоннинг халқаро молиявий бозорларда янги тоифага ўтишдан далолат беради. Хал-қаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ҳамда инвесторларнинг Ўзбекистонга ҳамкорлик ва бизнес юритиш бўйича ишонччини орттиради. Бу биз танлаган иқтисодий тараққиёт йўлининг тўғри эканини кўрсатади.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

СИФАТЛИ ТИББИЙ ТАЪЛИМ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

АНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР БИЛАН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАБ БЎЛМАЙДИ

Бугун минглаб битирувчилар ҳаётининг янги, ёрқин ҳақиқатини очаётган кунда биз, устозлар ўқиган нафақат пухта билим, балки кенг дунёқара, замонавий технологияларни эгаллаш қўникмаларини беришга ҳам масъулмиз. Биофизика ва ахборот технологияларини юзаси ёки аниқтарини усулларда ўргатиш эртанги кўнинг мураккаб талабларига жавоб бера олмайдиган, рақобатбардошлик хусусияти йўқ шифокорларни тайёрлаш билам барбарадир. Шу боис, бу фанларга тиббий таълимнинг шунчаки қўшимча элементи эмас, балки унинг таълим пойдевори сифатида қаралиши ва замон талабларига мос равишда такомиллаштириш борилиши айин мудоо. Бу йўналишдаги савй-ҳаракатларимиз бугунги битирувчи ёшлар келажакда чинакам маънода замонавий, юксак технологик саводхонликка эга, ўз касбининг устаси, қолаверса, инсонпарвар ва ватанига сидқидошлар хизмат қилувчи шифокорлар бўлиб етиштиши йўлида қўйилган муҳим қадам бўлади, десак адашмаймиз.



Албатта ўқинг!

Тўнни ким тескари кияди?

(“Сўз латофати” китобидан)

Тилимизда шундай иборалар борки, уларнинг асл келиб чиқиши маълум эмас, мазмун бошқа, сўзлар бошқа. “Ишинг ошиб-тошиб ётганда эрмакка бало борми?” дейилади. Ёки биров хато иш қилса, қовун туширди, дейдилар. Бу жумлаларда бало ҳам, қовун ҳам гап маъносига алоқасиз. Оғайни чалиш деймиз. Оғайни маълум, лекин чалиш нима? Оғайнилар бир-бирини оёғидан чалгани учунми? Ёки бир-бирининг айбини ногора қилиб чалгани учунми? Тан берди, ё тан олди, деган ибораларимиз бор. Бири қойил қолиш, иккинчиси иқроор бўлишни билдиради. Бу маъноларга тан сўзининг нима алоқаси бор? Дабдала сўзининг далага, дабдурстдан сўзининг дурустга боғлиқ жойи борми? Шундай сўз бирикмаларини тилшунос олимларимиз мажхул ибора дейдилар. Жаҳли чикқан одамга нисбатан, тўнни тескари кийди, дейиш ҳам мажхул саналади. Дарҳақиқат, жаҳлнинг тўнга нима алоқаси бор?



Лекин шу нарса аёнки, ҳеч бир сўз, ҳеч бир ибора бекор айтилмайди. Оғиздан оғизга ўтиб сўзлар алмашади, тушиб қолади, ҳарфлар ўзгаради ва таниб бўлмас ҳолга келади. Агар биз кўпроқ изласак, тарихни ўргансак, Сўзнинг сўзига қалб қўлигимизни тутсак, тилимизда мажхул ибора қолмас. **Оғайни чалиш** ҳам бесабаб айтилмаган. Мақол аслида: **оға-ини — бир жуфт қалиш**, бўлиши керак. Бамисоли **эру хотин — қўш ҳўкиз** дегандек. Қалишининг икки пойи бир-бирисиз бутун эмас. Оға-ини ҳам шундоқ. Халқимиз шоиртабиат, қофия-парвар эмасми? Мақол чиройли бўлсин учун бир оҳангдош сўз қўшиб, **оға-ини чалиш — бир жуфт қалиш**, дейдиган бўлди. **Чалиш** шунчаки қофия учун. **Тақ-тўқ, тасаддуқ** деганлари қаби.

Оға-ини аслида иккита сўз. Ака-ука дегани. Бора-бора бу икки сўз қисқариб бир сўзга айланди. **Ўртоқ, ошно** маъносини билдирувчи оғайни ҳолига келди. Оғайни бир кишини билдиргач, жуфт сўзига ҳожат қолмади. Энди **оғайни чалиш — бир пой қалиш** дейилади бўлди. Ҳозирда **бир пой қалиш** ҳам истеъмолдан чиқди ҳисоб. **Оғайни чалишининг** ўзи қолди ва мажхул иборага айланди.

Бу ўйларни қозоғга туширарканман, ўзимга савол бераман: нега энди бу гапларни тилшунос олимлар эмас, мен айтишим керак? Эрта бир кун уларга кулги

“

ТўННИ ТЕСКАРИ КИЙДИ ИБОРАСИ ҲАМ МАЪНОСИЗ ЭМАС. ТўННИ КИМ ТЕСКАРИ КИЯДИ? БУ САВОЛГА БОШҚА БИР МАҚОЛ ЖАВОБ БЕРАДИ: КАМБАҒАЛНИ УРМА, СЎКМА, ТўННИНИ ЙИРТ. ҲОЗИРГИ ЁШЛАР БУ МАҚОЛНИ АНГЛАМАСЛАР. ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ АСРДА ТУГИЛГАН ШОИР ҲАБИЙНИ КЎРИШ, ҲАМСУҲБАТ БЎЛИШ МЕНГА НАСИБ ҚИЛГАН. ШОИР ЁШЛИГИНИ ЭСЛАБ, БЎЗДАН ТИКИЛГАН ИШТОН ТИЗЗАДАН ЙИРТИЛИШИ, ТЎЗИГАН ЖОЙГА СОЛИНГАН ЯМОҚ ҲАМ ТЎЗИБ, ЯМОҚҚА ЯМОҚ СОЛИНГАННИ АЙТИБ ЎТИРАДИ.



бўлмайманми? Одамлар: “Шеърингни ёзсанг бўлмайдики, нима қилсан бировнинг ишига аралашиб”, деймайдими? Яна ўзим жавоб бераман: мен айтган фарзани олим айтиши мумкин эмас. Илмда таҳминий гап кетмайди. Аниқ манба, асосли исбот керак. Фақат шоирларгина ҳаёлга эрк беришлари, кўнгилга қулоқ солишлари мумкин. Шунинг учун ёзган сўзларимга илим аҳли бирор муносабат билдирмасалар, хафа бўлмаслигим керак. Бу гаплар ҳеч бир мўътабар манбада йўқ, ҳеч ким

тадқиқ қилмаган, суянадиган ҳам ҳеч нарса йўқ. Олим ишончли таянч бўлмаса, жойидан қўзғалайди. Биз доктор ҳам, профессор ҳам эмасмиз. Хато қилсак, айб эмас. Мана, уэр ҳам топилди. Энди гапни бемалол давом эттиришимиз мумкин.

Тўнни тескари кийди ибораси ҳам маъносиз эмас. Тўнни ким тескари кияди? Бу саволга бошқа бир мақол жавоб беради: **Камбағални урма, сўкма, тўнни йирт**. Ҳозирги ёшлар бу мақолни англамаслар. Ўн тўққизинчи асрда туғилган

шоир Ҳабибийни кўриш, ҳамсуҳбат бўлиш менга насиб қилган. Шоир ёшлигини эслаб, бўздан тикилган иштон тиззадан йиртилиши, тўзиган жойга солинган ямоқ ҳам тўзиб, ямоққа ямоқ солинганини айтиб ўтирарди.

Тўнни ким тескари кийган? Ғазаб отига миниб, муштлашаман деган камбағал тескари кийган. Қон тегса, лой тегса астарга тегсин, йиртилса, астар йиртилсин, ямоқ тушса астарга тушсин деб, **тўнни тескари кийган**. Камбағалнинг тўни икки бўлмаган. Йиртилса, бошқасини киёлмаган.

Эндиликда тўн кийиш урфдан қолди. Кийган елим камзулимиз юз йилда ҳам йиртилмайди. Муштлашмиш ҳам удум эмас. Қасд олиш учун муштининг кераги бўлмай қолди. Оёқдан чалишнинг минг бир хил усули топилган. Тўнни тескари кийишга ҳеч бир зарурат йўқ. Лекин қанотли ибора унут бўлмаган. Бу ҳам Сўзнинг сеҳри. Сўз замирида тарих яшириниб ётганига тимсол.

Бир мақолнинг қулфини очишга бошқа мақол қалит бўлди. Ким билсин, балки **қовун туширди** иборасига ҳам бошқа ибора, **тарвузи қўлтигидан тушди**, деган мажоз очқич бўлар. Буни аниқлаш энди сизлар — Сўз уммонининг ғаввосларига ҳавола. Изланг, баҳс қилинг, таллашиб тортининг. Лекин зинҳор тўнни тескари кийманг!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI HUZURIDAGI
ITTIMOIY HIMOYA MILLIY
AGENTLIGI

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“Бир болага етти маҳалла ота-она” ҳикмати бежиз айтилмаган. Унинг замирида ҳар бир ўғил-қизнинг юриш-туриши, таълим-тарбиясига бефарқ бўлмаслик, меҳр-эътибор кўрсатиш қаби одоб-ахлоқ тамойиллари мужассам. Бу ёшлар тарбиясига жиддий эътибор бериш нақадар муҳим эканидан далолат. Лоқайдлик, ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш кўплаб кўнгилсизликларга олиб келиши табиий.

ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОШҚА...

Кейинги йилларда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг янги тизими жорий этилгани кўплаб ўқисқ қалбларга қувонч, шодлик туйғуларини олиб кирди. Бутун ўз хонадонидан оилавий болалар уйи ташкил этиб, меҳрга муҳтож қалбларга иссиқ бағрини очган ташаббускор оилалар кўп.

Фурқат туманидаги “Ингичка” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Хурриятхон ва Равшанбек Комиловлар оиласи Қўқон шаҳридаги Меҳрибонлик уйида тарбияланган 9 қизни ўз оиласи бағрига олиб, “Меҳрибон қалб” оилавий болалар уйи ташкил қилганига кўп бўлгани йўқ. Меҳрга ташна қизларнинг янги оилага кўчиши хонадонга ўзгача фойз-барака, фаровонлик олиб келди. Бир-бирлари билан бўйлашиб ўсаётган қизларга кўпнинг ҳаваси келади. Бир этак болалар жам бўлган гўша ҳаммиса гавжум, фойзли. Атроф саранжом-саришта, хонадонда бўй таратиб, баравж ривожланаётган анвойи гуллар жамалак сочили қозалоқлар саяҳ-ҳаракати маҳсули.

— Онам бизни ташлаб, ўзга юртларга кетиб қолган, — дейди Фотиما Қаҳҳорова. — Меҳрибонлик уйида ҳамма нарсас бор эди. Лекин ота-она, яқинлар меҳр-муҳаббатини топиш қийин. Бу оила бағрига келиб, кўнглимиз кўтарилди. Ўзаро борди-келди, кўни-қўшничилик сингари урф-одатлар туфайли ҳаётга умидимиз, келажаққа ишончимиз юксалди. Бу ерда келганимга уч йилдан ошди. Лекин ўзимни шу ерда туғилиб, қамолга етгандек эркин ҳис қиламан. Синфдошларим, қамол теңкурларим билан эски қадрдонлардек иноқлашиб

бўлиб тушган хонадоним ҳам болажон оила. Шу боис, қизлар билан тезда тил топишдик. Ҳар бири ўзига хос фазилат, иқтидорга эга. Ўқиш, фан, касб тўғрақларидан ташқари уй шароитида пишириқлар тайёрлаш, бичиш-тикиш сирларини ўргатишга ҳаракат қилияман. Асосийси, ҳаётда ўз ўрнини топиш, жамиятга керакли инсон этиб қамолга етказиш. Тўнғич қизларимни келин қилиш истағида хонадонимизга келаятганлар жуда кўп. Яқинда қизим Маржонани турмушга узатдик. Қудаларим ҳар куни кўнгирик қилиб, шундай ақлли фарзандни тарбиялаб вояга етказганимиз учун раҳмат айтади. Бу ҳар қандай ота-она учун катта бахт.

Меҳрга тўла масканда яшаётган қизларнинг бошқалардан кам бўлмай қамолга етиши учун барча шароитлар яратилган. Улар ўзбекона урф-одат, анъаналар асосида ҳаётга тайёрланмоқда. Уй-жойларни тартибга келтириш, кўни-қўшничилик, супра, хўжалик билан боғлиқ барча ишларни ҳамжиҳатликда қилиш анъаналарга айланган.

— Маҳалламизда “Мурак қалб” ва “Меҳрибон қалб” оилавий болалар уйлари бор, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азизбек Эргашев. — Улардан тез-тез хабар олиб тураемиз. Оилавий болалар уйидаги ёшлар маҳалламизнинг сунокли фарзандларига айланиб кетган. Худудимизда бўлаётган турли тадбирларда улар ҳар жиҳатдан фаол иштирок этади.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилаларга жойлаштириш, қўллаб-қувватлаш, орзу-истакларини рўёбга чиқариш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, янги ташаббусларни



кетганмиз. Бирга машғулотларга қатнаймиз, дам олиб, ҳамсуҳбат бўламиз. Бу ерда меҳнат қилиш, уй-ўзғор тутиш билан боғлиқ кўникмаларимиз ошди. Авваллари бундай имкониятлар йўқ эди. Бизга ҳамма нарсани тайёр ҳолда беришарди. Бу бизни бир жиҳатдан ялқов, эринчоқ қилиб қўярди. Ҳозир ҳамма нарсасга ўз кучимиз, имкониятларимиздан келиб чиқиб эришишга ҳаракат қилияпмиз. Масалан, тандирдан ном ёпишни билмаганман. Энди она-сингилларим билан жамланиб, сават-сават ном ёпишмиз.

Оиланинг кенжа фарзанди Комила Абдумаликова тумандаги 22-умумтаълим мактабининг 4-синфиди таҳсил олмақда. Мактабдан сўнг тумандаги мусика ва санъат мактабидида таҳсил этилган зардушлик тўғрағида касб-ҳунар ўрганмоқда. Опаларидан ибрат олган Осие дуторчилик тўғрагининг фаол аъзоси. Шахноза Абдуллаева, Фотима ва Захро Қаҳҳорова бу йил умумтаълим мактабини тамомлаб, олий таълимда ўқишни давом эттириш тараддуғида машғулотларга зўр бермоқда.

— Қизларим қўзларидидаги шукроналик, бир-бирига меҳрини кўриб, бутун чарчоқларини унуттаман, — дейди Хурриятхон Комилова. — Ҳарақатимиз бесамак кетмаётганига шукр қиламан. Қизларим — қалб кўримади лолаларим. Уларни ҳаётга тайёрлаш, билим ва кўникмаларини оширишда ота-онанинг хизмати, таълим-тарбияси беқиёс. Ўзим катта оилда вояга етганман. Келин

қўллаб-қувватлаш борасидида ишлар кундан кунга тараққий этмоқда.

— Фаргона вилоятидаги 14 та оилавий болалар уйида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 59 бола тарбияланмоқда, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фаргона вилояти бошқармаси болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шўъбаси мудири Муртазохон Алавитдинов. — Уларнинг яшаш шароити туман, шаҳар ҳокимликлари, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мониторинг қилиб боришмоқда. Бу ерда тарбияланаётган болаларнинг бахориги ва қишқи таътил кунларини мазмунли ташкил этиш учун тарихий шаҳарлар, музей ва диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштириш, спорт ва фан тўғрақларига жалб этиш анъаналарга айланган. Ёзги таътил кунларида тарбияланувчилар ва оилавий болалар уйлари ташкил этган фуқароларнинг 7-14 ёшли фарзандларини ёзги оромгоҳларга жалб қилиш чоралари кўришмоқда.

“Ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа” деган гап бежиз айтилмаган. Бу пуриҳкамат сўз замирида одамийлик, бағрикенглик, бир-бирига бўлган меҳр-мурувват ришталари мужассам.

Расулжон НАЗИРОВ,
журналист



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Ҳазрат Алишер Навоий шоҳбайтларига яна ва яна қайтиш эҳтиёжи кўнглимизда ҳар лаҳза пайдо бўлади.

Қароқўзум келу мардумлиг эмди фан қилгил,
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилгил.

Ўнсон ва қорачиқ

Аввалги суҳбатларда байтни шарҳ қилиб, унда жам бўлган теран мазмун, гўзаллик, санъатларга биргаликда ҳайрат қилганмиз. Ҳозир энди гапимиз фақат биргина мардум сўзи тўғрисида. Бу форсча атаманинг **инсон** ва **кўз қорачиғи** деган маънолари тўғрисида бўлади. Бир-биридан жуда узок бўлган бу икки тушунча нега шу бир сўзда ифода этилган? Бу саволга жавоб излаб соғла тилларга мурожаат қиламиз. Араблар кўз қорачиғини **инсонул айн** дер эканлар. Яъни **кўзининг инсонини**. Араб тилида ҳам **қорачиқ** ва **инсон** бир сўз экан. “Маҳбуб ул-қулуб”да шундай сатрлар бор:

Келиб айну инсонун инсонин айн,
Жаҳон вориси Шоҳ Султон Ҳўсайн.

Ҳазрат назарида одил шоҳ инсонларнинг кўзи ва кўзларининг қорачиғи.

Мардум сўзида **инсон** маъноси ҳам, **халқ** маъноси ҳам бор. Инглизлар **халқни people (пипл)** дейдилар. Кўзнинг қорачиғи эса **рүрл** бўлади. Ажабо! Инсонлар ва кўз гавҳари деярли бир хил айтилади. Рус тилида қорачиқ қандай ифода қилинади? Владимир Даль лугатини очиб қараймиз. **Зрачок, зеница** қаторида **человечек, мальчик** атамалари ҳам бор экан. Араб, форс, инглиз, рус тилларидаги бундай ўхшашлик кишини ҳайратга солади, бу ҳолнинг сабабини излашга мажбур қилади, албатта.

Ўйласам, одамзоднинг кўзига яқиндан тикилиб қаралса, инсон акси кўринар экан. Бу аёнки, тикилиб қараган инсоннинг ўз акси. Лекин тасвир жуда кичик ва таниб бўлмас даражада бошқача намоён

бўладики, биз қорачиқда ўзимизни эмас, нотаниш бир одамни, яъни умумият-ла инсонни кўраемиз. Кўз қорачиғи шу боисдан **инсон, мардум, рүрл, человечек** аталган, десак хато бўлмас.

Рүрл сўзининг яна бир маъноси **талаба, ўқувчи** бола. Русча қорачиқ маъносидида **мальчик** сўзини эслагиди. Биз ўзимиз ҳам фарзандимизни **қарогим** деймиз. Болани кўз қорачиғига тенглаш барча туркий тилларга хос. Дарҳақиқат, инсон кўздек азиз, азиз инсонлар яшайдиган юрт кўздек ардоқли. Дўланадеккина ер қураси ҳам кўз шаклида. Ватанимиз унда бамисоли гавҳар. Шу боис юртни кўз қорачиғидек асраймиз, деган сўз бизга юртнинг ўзидек қадрлидир.

Қароқўзум, келу мардумлиг эмди фан қилгил. Ҳайрон бўлманг, байт сўзларини бузиб ёзмадим. Биз **қаро кўзим** деб икки сўз тарзида ёзишга ўрганиб қолганмиз. Ваҳоланки, **қароқўз** ягона тушунчани англатувчи яхлит сўзидир. Ажабо, **сарвиноз, дилрабо, гулчеҳра, гулбадан** сўзларини кўшиб ёзмамиз, ҳатто, исм бўлган учун **Гулбаданбегим**, дея уч сўзни яхлит битамиз-у, **қароқўзга** келганда иккига бўлиб қўямиз.

Атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг дастлабки романларидан бири “Қора кўзлар” деб аталарди. Эсимда бор: ёзувчи “бу ном қўшиб ёзилиши керак, мен кўзлар

ҳақида эмас, инсонлар ҳақида ёзганман”, дея ноширлар билан кўп талашган, лекин сўзини ўтказса олмаган эди. “Имло қондаси шундай”, деб туриб олишган. Балки, гап имло қондасида ҳам эмас, муҳаррир **қароқўз** атамасининг тағ маъносини тушуниб қолгандир. Гап миллат ҳақида кетаётганини англаб ўзини эҳтиёт қилгандир. Дарҳақиқат, қоракўзлар, дея муаллиф ўзбекларни кўзда тутган эди. Лекин китоб “Қора кўзлар” номи билан чиқди ва чин маъно пинҳон қолди.

Навоийнинг шухрат топган шундай байти бор:

Менга шоҳлар хилъатимом,
эли томоша қилгали,

Ўзбаким бошида қалпоқ,
эғнида ширдоғи бас.

Қароқўзим, дея ҳазрат ўзбекини атамаган, албатта. У замонда миллатни кўккўз, малласочлардан айириб номлашга эҳтиёж йўқ эди. Овруполиклар ҳали Хуросонга келмаган эдилар. Лекин мен барибир **қароқўзим** деганда **ўзбегимни** ўйлайман. Бу ғазал ўзининг тералиғи билан, унга боғланган куйининг гўзаллиги ва нафислиги билан ўзбекнинг тимсолига айлангандек туюлади.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун оубунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-546.
36390 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Объет** услуфта босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаххис: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 02:10 Топирирди — 02:10